

## НАСРДА БАДИЙ ТИЛНИНГ ЎРНИ (ҚЎЧҚОР НОРҚОБИЛНИНГ АЙРИМ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Химматова Гузал Амиркуловна

ТерДУ катта ўқитувчи, PhD

### Аннотация:

Ушбу мақолада насрда бадий тил масалалари, хусусан жонли тилдаги шева, касб-хунарда доир сўзларни қўллашда Қўчқор Норқобил маҳорати унинг айрим асарлари мисолида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Маҳорат, тил масаласи, романтик рух, шева, бадий асар, наср, лиризм.

Қўчқор Норқобил бадий тил элементларидан унумли фойдаланадиган ижодкор. Хоҳ шеърий, хоҳ насрий ёки драматик асарлари бўлсин, уларда миллий тил тизими имкониятлари ўз ифодасини топган. Унинг насрида назм ва драматик жанр хусусиятлари мужассамлашганини сезиш қийин эмас. Бу адиб прозасида яққол кўринади. Қ.Норқобил насрида романтик рух, шоирона латифлик намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Адиб асарлари қаҳрамонлари қайси географик муҳит вакили бўлса, уларнинг нутқида бу аксини топади. Масалан, “Кўзларингни кўргани келдим” ҳикоясида хоразмлик Одамбой ўз шевасида гапиртирилган: “ – Чой бўлса чойда. Лекин меҳмонлар кофе ичажакка ўхшайди. Ёшулли, мен сизни дониб дурупман. Сиз телевизорга чиқасиз. Ёзувчисиз. Лекин мемонлар донишмади. Қисинманг. Москванинг телевизоридан чиқсангиз донишар балки...”.

Юқоридаги матндан персонажнинг қайси географик макондан эканлиги англашилса, бошқа томондан унинг қиёфаси, характери намоён бўлади. Одамбойнинг нутқидан унинг содда, самимий инсон эканлиги кўриниб турибди.

Биламизки, Қўчқор Норқобил Олтинсойнинг Мўминқул қишлоғида таваллуд топган. Адибнинг кўпгина асарларида Мўмин қишлоқ адабий макон сифатида келади. Ёзувчи ўзи билган, кўрган, эшитган воқеликларни акс эттиради, таниган одамларни қаҳрамон қилиб олади. Одатда жонли халқ тилини мақол, киноя, қочирим, сўз ўйинларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бу адабиётимизда Сурхон адабий муҳитига мансуб Ш.Холмирзаев, Т.Мурод, Э.Аъзам асарларида яққол намоён бўлади. Бу адабий муҳит вакили бўлган Қ.Норқобил ижодида ҳам бу ўз аксини топган. Масалан, “Юракдаги юк” ҳикоясидаги мана бу кичкина парчанинг ўзида халқ жонли сўзлашувига хос бўлган шева, ибора, мақол, ўхшатиш келтирилади:

*“ – Майдадан катта чиқса замбаракнинг ўқи бўлар. Каттадан майда чиқса итялоқнинг юқи бўлар! Ҳе, ўл-а! Сени одам деб оғзимнинг ҳовурини шамолга олдириб ўтирибман-а!*

*Холли Чиноқнинг жазаваси жавзони қовуряпти. Аламидан тош чайнаб, ўзича гудраниб-гудраниб ҳоварга лорсиллаб-лорсиллаб кетмон ураяпти, худди ернинг жонини сузуриб оладигандай... Чолнинг бадани чой қайнатаяпти, лекин ичи музлаб кетаяпти.*

*– Ҳе, сендай нокаснинг юқуми, қари ҳангининг тўқими. Уруги наст-да, уккагарнинг”.*

Қўчқор Норқобилнинг аксарият асарларида жонли тилдаги шева, касб-ҳунарга оид тил бирликларидан, синоним ва антонимлардан, архаизм ва жаргонлардан унумли фойдаланади. Бу омилларсиз асар жонсиз, муаллиф ва персонажлар нутқи ғариб бўлиб қолади. Ёзувчи тил орқали қаҳрамонларининг ташқи ва ички олами, уларнинг истак, интилишлари, орзу-армонларини кўрсатишга интилади. “Ёғдуйўл” ҳикоясидаги парчага қулоқ тутамиз:

*“– Нима?! Баҳор-махорингди билмайман. Мен сенга бўзчининг мокиси эмасман. Шундоғам бетимнинг суви беиш тўкилиб олдингга икки марта келдим. Қуш беги билан шовла емабди. Итнинг калласини товоққа солса юмалаб кетган экан, иззатингни билмайсан, мана ҳокимнинг қарори. Жой меники,*

*отам замонида ўзингга ўхшаган аллақайси бир тентак раис шу ерни китобхона қил деса, дегандир. Ҳе-й, китобингдан сени!..*

*Муаллим нимадир деб гўлдиради. Бола эшитмади. Сўнг дурсо дурс қадам ташлаб, Шоди барзанги даҳлиздан чиқиб кетди — эшик қарсиллаб ёпилди. Ҳоли танг муаллимнинг бир бурдагина бўлиб қолгани кўз ўнгида гавдалангач, бола йиғлаб юборди”.*

Персонаж нутқида ишлатилган “Мен сенга бўзчининг мокиси эмасман”, “Қуш беги билан шовла емабди”, “Итнинг калласини товоққа солса юмалаб кетган экан, иззатингни билмайсан”лар бир томондан халқнинг жонли сўзлашувидаги ибора, мақоллар бўлса, иккинчи томондан персонажнинг манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, маънавиятдан йироқ кимсанинг ички қиёфасини намоён қилиб турибди.

Ёзувчи ўз қаҳрамони ҳолати, кайфияти, табиатини, характерини унинг нутқи орқали кўрсатиб беради. Аслида бадий асарлар йўқолиб бораётган халқнинг жонли сўзлашув тилини авлоддан-авлодга олиб ўтувчи воситалардир. Халқ тилига хос ибора, матал, мақол, қочирим, шева сўзлар давр ўзгариши, тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиши асносида унутилиб кетади.

### **Адабиётлар руйхати:**

1. Норқобил Қўчқор. Кўзларингни кўргани келдим. Самодил: ҳикоялар. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. – Б.9.
2. Норқобил Қўчқор. Юракдаги юк. Самодил: ҳикоялар. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. – Б.146.
3. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/qochqor-norqobil/qochqor-norqobil-yogdu-ol-hikoya/>